ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ҲАМОН САФДА

ЛАВҲА

Шифохонанинг терапия бўлими бошлиғи Любовь Александровна Штабенко кўрилган амалий чоралар ижобий натижа бермаётганини айтиб, шаҳардан консультант чақириш ҳақида кўрсатма олиш учун бош врачга мурожаат қилди. Ҳар галги одати бўйича, бош врач беморни кўришдан олдин унинг касаллик тарихи билан синчиклаб танишар экан, уни ҳаяжон ҳислари чулғаб олди. Чунки бу беморнинг ўзи моҳир шифокор, унинг қарийб қирқ йиллик қуролдош дўсти Исматилла Убайдуллаев эди. Дафъатан: «Эски жароҳатлар изи... лаънати уруш» деб қўйди ва бемор ётган хонага йўл олди.

У палатага кириб келди. Юрак оғриғидан азоб чекаётган Исматилла ака дўстини кўриб кўзлари чақнаб кетди. Унинг кўзларидан бенхтиёр оқаётган ёш бу оғриқ азобиданми ёки дўсти билан учрашувданми, билиш қийин эди. Бош врач Тўхта Магдиевич ҳам жанговар дўстини кўриб, бир дақиқа тўхтаб қолди. Сўнг уни тинчлантирди.

Тошкентдан узоқ бўлмаган республика Фанлар академияси Ядро физикаси институти шаҳарчасига кираверишда Қибрайнинг боҳаво ерида, боғларга бурканган бир шифохона бор. Ўзи пойтахт область территориясида бўлса ҳам, кўплаб шаҳарликлар ўз соғлиқларини яхшилаб олишлари учун шу касалхона коллективига мурожаат қилишларига сабаб нима?

Бунинг боиси, аввало, шифохонанинг курортлардагига ўхшаш соф ҳавоси, ўз касбининг моҳир усталари — ажойиб шифокорларнинг бу ерда сидқидилдан ишлаётганлиги, ниҳоят бош врачдан тортиб ҳамширагача улардаги бемор дардига малҳам бўла олувчи хушмуомалалик, меҳрибонлик ҳисларининг тугён уриб турганлигидир. Биз касалхона бўлимларини айланиб, беморларга кўрсатилаётган даво ишлари билан қизиқдик. Суҳбатимизга келиб қўшилган бош врачнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, хирург Николай Павлович Халев шифохона ходимлари иш услубини шарҳлаб, шундай деди: «Касалхонамизда даволаш ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги, беморларнинг тез ва мукаммал соғайиб кетаётганлигида, аввало бош врачимиз Тўхта Магдиевнинг роли катта. Уни тонг отардан кун ботгунча шифохонадан топиш мумкин. Ҳордиқ чиқариш кунлари ҳам беморлар ҳолидан хабардор бўлиб, сўнг бориб дам оладилар. Ахир бошлиқ шунчалик фидокорлик намунасини кўрсатиб турган муассасада ишнинг бошқача бўлиши мумкин эмас...»

Суҳбатимиз бўлинди. Николай Павлович: «Ана, Тўхта Магдиевнинг ўзлари ҳам келиб қолдилар», — деди.

Ўзи ҳақида мақтов сўзларни ёқтирмагани важиданми, у суҳбат мавзуини шифохона ишларидан, қурилиш режаларидан олиб боришни афзал кўрарди. Дарҳақиқат, шифохона бош врачи Тўхта Магдиевнинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, бу заҳматкаш инсоннинг эл бошига кулфат тушганида у ажойиб солдат, тинч меҳнат йилларида эса моҳир шифокор, ташаббускор ва ташкилотчи эканлигига ишонч ҳосил қиласан. Шундай яхши одамлар кўплигидан қувонасан киши.

Немис-фашистлари Ватанимизга хиёнаткорона уруш бошлаган қирқ биринчи йилда Тўхта Магдиев Куйбишев шаҳридаги Ҳарбий медицина академиясини тамомлаб, фронтга йўлланма олди. Ленинград шаҳри мудофаасида [illegible] шилинч медицина ёрдами кўрсатишда жонбозлик кўрсатди.

...Тўхта Магдиевич фронт хотираларини эслар экан, 1942 йил қаҳратон қиш кунлари у жанг қилган 77-кавалерия дивизиясига Совет Иттифоқи Маршали С. М. Будённийнинг келгани, солдат ва офицерлар билан қизғин суҳбати, дивизия медицинасанитария қисмлари иши билан қизиққани, ярадорлар аҳволи билан танишгани, жангчилар руҳини кўтаргани, маслаҳатлар берганини фахр билан эслайди.

Тўхта Магдиев урушнинг машаққатли сўқмоқларини шараф билан босиб ўтди. Ўзи тўрт марта ярадор бўлиб, яна жанговар сафга қайтди.

Уруш тугаб, она юртига қайтган Тўхта Магдиев қарийб йигирма йил мобайнида Тошкент Давлат медицина институтида катта ўқитувчи вазифасида ишлади. Бўлажак шифокорларга ўзи кўрган, ўзи шоҳид бўлган суронли кунлар лавҳаларидан ҳикоя қилди. Мана ўн икки йилдирки, у Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг республика Фанлар академияси қошидаги марказий касалхонасида бош врач вазифасида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Ҳа, ўлимлар билан неча марта тўқнашган, ҳар гал ҳақлиги, одамийлиги, Ватанга фидойилиги, одамларга меҳр-шафқати кучлилиги важидан ғолиб чиққан бу эл ўғлони ҳамон сафда.

...Тонг отди. Кўчаларда одамлар ишга, ёшлар ўқишга шошилмоқдалар. Шулар орасида Тўхта Магдиев ҳам илдам қадам ташлаб бормоқда.

А. ОҚИЛОВ,
профессор.

«Биоорганик химия ва молекуляр биология истиқболлари» мавзуига бағишлаб ўтказилган халқаро симпозиумнинг Тошкентдаги мажлисида кўш Нобель мукофоти лауреати профессор Лайнус К. Полинг (АҚШ) иштирок этди. Суратда: Лайнус К. Полинг В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети химия факультетининг студентлари орасида.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ).

ҳозирги боскичдаги асосий йўналишлари ва эришилган ютуқлари хусусида тасаввуримиз бойиди. Айни чоғда олимларнинг келгусида қайси проблемалар устида иш олиб боришлари зарурлиги ҳам аниклаб олинди. Бир-бирига яқин фанлар ўртасида ҳамкорлик тағин ҳам кучайтирилиши лозим.

ЯКУНЛОВЧИ БА

✦ **ГИМНАСТИКА.** «Ёшлик» спорт аренасида ниҳоясига етган баҳсларда республикамиз вакиллари умумкоманда ҳисобида 572,85 очко тўплаб, тўртинчи ўринни эгаллашди.

Белоруссия, РСФСР ва Украина командалари совриндор ўринларга кўтарилдилар.

✦ **ШАХМАТ.** Тошкентдаги 110-мактаб залида дона суриш баҳслари поёнига етказилди. Саралаш мусобақаларини муваффақиятли ўтказиб, 1—6 ўринлар учун финал баҳсларида иштирок этган шахматчиларимиз жами 18 очко билан тўртинчи ўринни банд этдилар. Белоруссия, Украина ва РСФСР

Суратларда: (чапдан) ёш сув тўпи усталари баҳсида. Москвалик В. Черняков лангар билан сакраш олдидан. Латвия ва Украина баскетболчилари учрашувида.

В. Таран фотолари.

Футбол

САФАРДАГИ Ғ

Олий лига коллективларининг навбатдаги тур учрашувлари ҳужумкорлик руҳида ўтди. Саккиз учрашувнинг биронтасида ҳам дарвозалар даҳлсиз қолмади. Икки ўйинда меҳмонлар муваффақият қозонган бўлса, бир учрашувда ҳисоб дуранг бўлди. Қолган ўйинларда майдон эгалари ўз ҳисобларига кўш очколар ёзишди. Учрашувларда дарвозаларга жами 23 та тўп киритилгани футболчиларнинг ғалаба учун астойдил курашганидан далолат бериб турибди.

Умуман, футбол чемпионатининг «кузи» яқинлашгани сари ҳар бир команда қимматли очколар тўплаб, мавқеларини мустаҳкамлашга интилмоқда. Бу борада грузин футболчилари чемпионатнинг олтин медалига асосий даъвогар экани ойдинлашиб қолди. Фахрли иккинчи ва учинчи ўринларга интилаётган коллективлар хусусида аниқ гап айтиш қийин. Чунончи, «Шахтёр» футболчилари ғалдаги учрашувда имкониятни бой бериб қўйган бўлса, москвалик динамочилар яна бир ғалаба билан очколар ҳисобида бирмунча илгарилаб олишди.

«Пахтакор» футболчилари мухлисларни қувонтирдилар. Вакилларимиз ўз майдонларида кетма-кет уч марта ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлгач, сафарда «Днепр» коллективи билан куч синашдилар. Бу ўйинда ҳам футболчиларимиз шаштлари баланд эканлигини намойиш этдилар. Учрашувнинг биринчи қисмида дарвозалар даҳлсиз қолди. Танаффусдан кейин эса ҳужумкорликка зўр берган пахтакорчилар «Днепр» дарвозасини ишғол этишга муваффақ бўлдилар. Командага ғалаба келтирган ана шу ягона тўпни «Зенит» футболчилари билан учрашувда томошабинларни мамнун этган моҳир ҳужумчи Тўлаган Исоқов дарвозага йўлади. Майдон эгаларининг ҳисобни тенглаштириш учун қилган ҳаракатлари зое кетди. Пахтакорчилар ўз ғалабаларини тўққизтага етказиб, ўйинлар жадвалида бир поғона илдамлаб олишди.

«Пахтакор» мавсум якунигача яна беш марта майдонга тушади. Бу учрашувлардан иккитаси Тошкентда ўтказилади. Бунда майдон эгалари москвалик ва киевлик динамочиларни қабул қиладилар. «Локомотив», «Заря», «Спартак» коллективлари билан сафар учрашувида куч синашишга тўғри келади. Пахтакорчилар ана шу сўнгги учрашувларни ҳам ғолиб ўйинлар билан ўтказадилар деган умидамиз. Ўйинлар жадвали қуйидагича манзара олди:

	Ю	Д	М	Т	
«Динамо» Тб	15	6	4	37-19	36
«Шахтёр»	14	4	7	35-25	32
«Динамо» М	12	7	6	32-21	31

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 226 (17.210). ● 3 октябрь 1978 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

◆ Ҳосил йиғим-теримида ҳал қилувчи кунлар келди. Ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, кун сайин кўпроқ пахта териш ва тайёрлашга эришайлик.

◆ Машиналар—терим суръатини кучайтиришнинг асосий омили. Барча терим агрегатлари икки сменада юқори унум билан ишлатилиши даркор.

◆ Теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг мусобақасини янада авж олдирайлик.

◆ Далада ишлаётганларга энг қулай маданий-маиший шароит яратиб берайлик!

МАШИНАЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта териш ва уни давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасида 1978 йил сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

— **Наманган областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ М. Камолов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Обидшоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ М. Мадмусоев, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ А. Омонов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти область ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси ўртоқ Ю. В. Тимофеичев, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Ҳамидов);

— Андижон областининг **Бўз районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ М. Иминов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. Рустамов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ М. Аҳмадалиев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ А. Жўраев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ В. Г. Чеберяк, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ А. Ҳамидова). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 49,21 процент бажарган ва ўн кунликда пахта теримини 44,67 процент, шу жумладан машина теримини 62,93 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Шофирнинг секретари ўртоқ Ш. Тошбоев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Ж. Жафаров, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Х. Усмонов). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 78,13 процент бажарган ва ўн кунликда пахта теримини 64,33 процент, шу жумладан машина теримини 102,54 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Чуст районидаги «Коммунизм» совхозидан олиб берилади;

— Жиззах область, **Дўстлик районининг кўрикда жойлашган «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозига** (совхоз директори ўртоқ А. Муликов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Н. Ф. Кучерявая, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ З. Қаршиев, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Н. Ф. Гиндемидов). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 110,31 процент бажарган ва ўн кунликда пахта теримини 110,31 процент, шу жумладан машина теримини 179,25 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Нишон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозидан олиб бе-

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Ленин районидаги «Ўзбекистон» колхозининг азамат пахтакорлари минг гектардан зиёд ерда мўл ҳосил етиштиришди. Гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилган бу хўжаликда терим суръати тобора ошмоқда. Далаларда 12 та «зангори кема» унум билан ишлаб турибди. Суратда: хўжаликнинг илғор механизатори Султонбой Ҳайдаров. У мавсумда 300 тонна пахта териб беришга аҳд қилган. Ҳар куни ўз агрегати билан 10—11 тоннага етказиб «оқ олтин» теришга муваффақ бўлмоқда.

А. Тўраев фотоси.

5.700.000 ТОННА „ОҚ ОЛТИН“ УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 2 октябрга бўлган